

Химор нима? | Сийрат дарслари (264-дарс)



19:00 / 13 январь 1547

353. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳайз кўрувчининг намозини Аллоҳ фақат химор билан қабул қилади»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Изоҳ: Химор – аёл кишининг боши ва кўксини тўсиб турадиган рўмолга ўхшаш нарса.

354. Авс ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, жума энг афзал кунларингиздандир. Унда Одам халқ қилинган. Унда қабз ҳам қилинган. Унда нафх (пуфлаш) бор. Унда соъқа (қичқириқ) бор. Бас, унда менга саловотни кўпайтиринг. Албатта, саловотларингиз менга кўрсатилади»**, дедилар. **«Эй Аллоҳнинг Расули, сизга саловотларимиз қандай кўрсатилади, сиз чириган бўлсангиз?» дейишди. Аллоҳ аzza ва жалла анбиёларнинг жасадларини ерга ҳаром қилгандир»**, дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

355. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қуёш чиққан куннинг энг яхшиси жума кунидир. Унда Одам халқ қилинди. Унда у жаннатга киритилди. Ўша кунда у ундан чиқарилди»**, дедилар».

Бошқа ривоятда: «Қиёмат куни ҳам фақат жума куни қоим бўлади» зиёда қилинган.

Муслим ривоят қилган.

356. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам жума кунини зикр қилдилар ва: **«Унда бир соат бор, қай бир мусулмон банда ўша соатда туриб намоз ўқисаю Аллоҳдан бирор нарса сўраган ҳолида тўғри келса, албатта, У зот унга ўшани бергайдир»**, дедилар ва қўллари билан ўша(соат)нинг озлигини кўрсатдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.